



MURABBIY

ILMIY-MA'RIFIY JURNAL

“MURABBIY”

**ILMIY-MA'RIFIY
JURNAL**

Issue:1 2021 | №1, 2021

<https://science.jspi.uz/>



Chief Editor:

S.Nazarkasimov, Doctor of Philosophy (Ph.D) in Sociology, Vice-Rector of Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Deputy Chief Editor:

A.Turaev, senior teacher of Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Members of the editorial board:

Sh.S.Sharipov - Professor

B.M.Ochilova - Professor

D.Khodjimetova - assistant professor

A.Pardaev - assistant professor

M.N.Khoshimkhonov - assistant professor

A.I.Saidkasimov - assistant professor -

F.K.Akhmedov - assistant professor

B.E.Toshboev - assistant professor

I.N.Akhmedov - PhD

D.Salimova - PhD

N.N.Alimov - assistant professor

M.Saidov - Ph.D.

X.Maxammadiev - teacher

Editorial Representative:

Abrar Turaev

Jizzakh State Pedagogical Institute,
Uzbekistan

Phone: +998933091877

e-mail: ijtimoiy2017@mail.ru

**ONLINE ELECTRONIC
JOURNAL**

“Murabbiy” ilmiy-ma’rifiy jurnali
“Mentor” scientific-educational
journal

Научно-просветительский
журнал “Наставник”

Indexed By:



Published By:

<https://science.jspi.uz/>

**Jizzakh State Pedagogical
Institute, Uzbekistan**



MUNDARIJA / CONTENTS / СОДЕРЖАНИЕ

№	MUALLIFLAR/ AUTHORS / АВТОРЫ	MAQOLA NOMI/ ARTICLE TITLE/ НАЗВАНИЕ СТАТЬИ	SAHIFALAR/ PAGES/ СТРАНИЦЫ
1	<i>Қирғизбоев Муқимжон</i>	Камбағаллик – XXI аср муаммоси	6-14
2	<i>Очилова Бахти Мурадовна</i>	Демократик кадриятлар ва ўзини-ўзи бошқариш	15-25
3	<i>Муҳаммадиев Нурмуҳаммад Эргашевич</i>	Жамиятнинг янгилинишида фалсафа илмининг методологик аҳамиятини янада оширишнинг долзарб масалалари	26-30
4	<i>Ахмедшина Фания</i>	Проблема выравнивания положения женщин и мужчин (опыт Узбекистана и зарубежных стран)	31-35
5	<i>Анварова Маърифат Нарзуллоевна</i>	Использование инновационных технологии при обучении арабскому языку	36-42
6	<i>Tilavova Malika Mataramovna</i>	Inversion is a bridge to the wonders of the language world	43-50
7	<i>Худойназаров Сардор</i>	Консультатив психология бўйича мутахассислар тайёрлаш муаммолари	51-54
8	<i>Ғофуров Жасур Исақович</i>	Уструшонанинг илк ўрта аср хунармандчилигига доир	55-58
9	<i>Ибрагимов Солижон Эргашевич</i>	Баркамол авлодни шакллантиришда гўзаллик тушунчасининг аҳамияти	59-63
10	<i>Севостьянов Дмитрий Анатольевич</i>	Инверсивные отношения как диалектический когнитивный конструкт	64-67
11	<i>Muhammadsidiqov Muhammadolim Muhammadroziq o'g'li</i>	Integratsiya tushunchasi: mazmun va mohiyati	68-77
12	<i>Ҳолиқова Рахбархон</i>	Ижтимоий-гуманитар соҳа	78-81

	<i>Эргашевна, Махкамова Надира, Тўхтабоева Дилафрўз Эргашевна</i>	вакилларининг тадқиқотларида урбанизация жараёнлари	
13	<i>Ежель Н.Е. , Стародубцева С.С. , Шишова А.А</i>	Проблема веры и современное мировоззрение человека	82-91
14	<i>Ibaidullaev Temir Gaybullaevich</i>	Harmony of uzbek national clothing culture and modernity	92-95
15	<i>Наумов Дмитрий Иванович</i>	Историческая политика в условиях глобализации	96-101
16	<i>Соегов Мурадгелди</i>	Туркмены-оламы самарканда на фоне истории своих прямых предков – древних аланови современные реалии	102-114
17	<i>Кобиров Рустам Ражаббойевич</i>	Ёшларда геоиктисодий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш асосий омиллари	115-119
18	<i>Ганеева Галия Галияновна</i>	Желательное наклонение глагола в башкирском языке и история его изучения	120-125
19	<i>Инатов Мурот Ниятович,</i>	Хатларни микдорий таҳлил этиш усуллари	126-131
20	<i>Холмирзаева Манзура Абдумурадовна</i>	Инновацион ривожланиш шароитида миллий манфаатларни мафкуравий жиҳатдан химоя қилишнинг фалсафий жиҳатлари	132-136
21	<i>Билалова Дина Нуримановна, Киреева Надежда Анатольевна</i>	Применение инновационных цифровых технологий в преподавании гуманитарных дисциплин в техническом вузе	137-142
22	<i>Собиров Элмурод Абдумуталович, Юсупова Сайёра</i>	Исҳоқхон Тўра Ибратнинг илмий- ижоди ва маънавий-маърифий мероси	143-147
23	<i>Кулуева Флора Гайнутдиновна</i>	Приоритетные задачи социально- гуманитарных наук в условиях глобализации	148-151

24	<i>Умаров Р.Т.</i>	Соҳибқирон Амир Темурнинг бунёдкорлик ишлари	152-155
25	<i>Isankulova Muxlisa, Alimova Qunduz</i>	Yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirilish masalalari	156-159
26	<i>Mustafaqulova Dildora Ismatullayevna, Ismatullayev Otabek</i>	Biologiya darslarida o‘quvchilarning tizimli tafakkurini rivojlantirish metodikasini takomillashtirish	160-166
27	<i>Нурийман Абулҳасан</i>	Глобаллашув даврида виртуал таҳдидларга қарши курашнинг ўзига хос хусусиятлари	167-178
28	<i>Тураев Абрар Салохиддинович</i>	XX аср охири– XXI аср бошларида марказий осие мамлакатларини демократлаштириш масалалари бўйича АҚШ неоконсерваторларининг ёндашувлари	179-184
29	<i>Тошбоев Бобомурот</i>	Ўртак ва шахсий намуна узликсиз маънавий тарбиянинг ажралмас қисми	185-188
30	<i>Eryigitov Dilshod</i>	Ta’lim jarayonida innovatsion pedagogik-texnologiyalarni qo’llash	189-192

ЎРНАК ВА ШАХСИЙ НАМУНА УЗЛИКСИЗ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

*Тошбоев Бобомурот, фалсафа доктори,
ЖДПИ доценти
toshboyev@jspi.uz*

Аннотация

Ушбу мақолада узлуксиз маънавий тарбияда муҳим ўрин тутувчи ўрнак ва шахсий намунанинг ўрни хусусида фикр юритилган. Ҳамда унинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни асослаб берилган.

Калит сўзлар: маънавий тарбия, ўрнак, шахсий намуна, миллий тикланиш, миллий юксалиш, миллий қадрият, маънавият.

Бугунги тараққий этган анъанавий давлатлар турмуш тарзига, ҳаёт даражасига, иқтисодий ривожланиш кўламига назар ташласак улар ўзларининг тарихий, миллий урф-одатлари, қадриятлари, дунёқарашлари ва диний эътиқодлари ўз миллий менталитетига мос равишда давлатчилик тизимини яратганлигининг гувоҳи бўламиз. Ана шу маънода биз бугун "Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари" дадил одимлаётган эканмиз мамлакатимиз ривож, ҳалқимиз истиқболи нафақат моддий-иқтисодий омилларга, балки маънавий-ахлоқий омилларга кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини ҳам чуқур ҳис қилмоқдамиз.

Бинобарин, “Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустақкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавиятдир”⁴⁴.

Тарихий меросимиз миллий қадриятларимизнинг ҳаётбахш тамойилларини турмуш тарзига сингдириш улуғ салафларимизнинг ибратли ҳаёти ва фаолиятидан ўрнак олиб яшашга интилиш ҳар бир жамиятимиз фуқаросининг турмуш тарзининг ҳаётий маъносига айланиб бормоқда. “Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур”².

Собиқ мустабид тузум даврида ана шу буюк меросимизни ўрганиш ундан ўрнак олиб яшашга изн берилмади. Хусусан, инсон табиатига хос

⁴⁴ Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони, руҳи маънавиятдир. /Халқ сўзи. 2021 йил 20 январь. №13 (7793)

² Юқоридаги манба.

бўлган мақсад сари интилиш ва ўз-ўзини маънавий юксалтиришга таъсир этувчи, унга рағбат берувчи куч – ибратга ҳам беписандлик билан қаралди.

Миллатнинг манфаатлари инобатга олинмаганлиги, лоқайдлик, аждодлар меросига нисбатан ибрат олиб яшашга ва уларнинг тажрибаларидан ҳаққоний хулосалар чиқаришга тўсқинлик қилди.

Бугунги кунда тарихий хотирани уйғотиш, унутилаётган миллий ва умуминсоний қадриятларни тиклашга бўлган эҳтиёж давр руҳига ҳамоҳанг тарзда кишиларимиз дунёқараши, ақл-шуурига сингиб бормоқда.

“Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси, – деб таъкидлайди Ш.М.Мирзиёев, – эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. мафкура деганда аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган”².

Ана шу янгиланишлар замирида эса жамиятда амалга оширилаётган муайян маънодаги маънавий ислохотлар ўз таъсирини ўтказаяётганлиги турган гап.

Эндиликда халқимизнинг ахлоқий қадриятларимиз, миллий урф-одат, анъаналаримиз, инсоний фазилатлар тақомилига хизмат қиладиган ўрнатилган, намунавийлик каби ўзбекона тушунчалар моҳиятини тереан англаш, унинг маънавий қудрати, тарбиядаги таъсирчан кучини қалбдан ҳис қилишга эҳтиёж ортиб бормоқда. Айниқса, намунавийлик тамойилига муносабат жамиятимизнинг оддий фуқароларидан тортиб, олиму фузалоларигача бўлган барча аҳолини, мустақил фикрлаш, мушоҳада қилиш маданиятига эга бўлган кишиларни қизиқтирадиган масалага айланди, десак хато қилмаймиз.

Биобарин, телевидение, радио, оммавий ахборот воситаларидаги ижтимоий соҳа, маънавият, маърифат, ахлоқ масаласидаги мавзуларда у ёки бу даражада воқеликдаги ҳодиса-жараёнлардан ўрнатилган олишга даъват этилаётганлиги ҳам айни ҳақиқатдир.

Ана шу сабаблар туфайли ахлоқимиз, маънавиятимизга ёт назар билан қараш кишиларда одатий ҳолга айланди. Ахлоқшунослик ва педагогикага оид тушунчалар таркибида намунавийлик ҳақида собиқ иттифоқ мафкурасидан келиб чиқиб, тор ва бирёқлама тасаввур шакллантирилди. Бу жиҳат халқ менталитетини халигача тарқ этгани йўқ.

Ҳолбуки, юртбошимиз Ш.М.Мирзиёевнинг маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан тақомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масаласига оид ғоялари

² Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони, руҳи маънавиятдир. /Халқ сўзи. 2021 йил 20 январь. №13 (7793)

ижтимоий соҳа вакиллари олдида улкан ва кўламдор вазифаларни юклайди. Видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, «Бир зиёли – бир маҳаллага маънавий ҳомий» тамойили асосида ҳар бир маҳаллага профессор-ўқитувчи ва таниқли зиёлилар бириктирилиши¹, ҳақидаги фикрлари ҳам намунавийлик тамойилининг бевосита давлат сиёсати даражасидаги муҳим масалалардан бири эканлигини аниқлатади. Маълумки, профессор-ўқитувчилар ўзларининг юриш-туриши, сўзи, амали, билим ва тажрибаси билан бошқаларга ибрат бўладиган шахслардир. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, “Педагогларимиз яхши билади, тарбия, одоб-ахлоқ соҳасида “амалий намуна” ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Фарзандларимизга аввало ўзимиз ҳамма соҳада – Ватанга, халққа садоқатли бўлишда, илмга, касбу ҳунарга меҳр қўйишда, ота-она, жамият олдидаги бурчимизни сидқидилдан адо этишда амалий намуна кўрсатишимиз керак⁴⁵.

Шунга кўра, юксак инсоний фазилатга эга бўлган шахсни вояга етказишнинг асосий омили бўлган намунавийлик тамойилини тадқиқ этиш ўз моҳиятига кўра ҳаётини масалага айланди.

Маълумки, халқимиз табиатан яхшига ҳавас қилади, эзгу намунавийликга мойил бўлади, каттага эҳтиром кўрсатади, кичикни иззат қилади, шу билан бирга, унда эргашувчанлик майли кучли. Бу борадаги вазифаларга ана шу эришувчанлик, ибратга мойиллик хусусиятларини миллат манфаатларига бура олиш, уларни Ватан равнақи йўлида сафарбар этиш, бу фазилатларимизни нопок кимсалардан, шубҳали сиёсий оқимлардан муҳофаза этиш, ғанимларнинг кирдикорларига қурбон бўлишдан сақлаш керак⁴⁶.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир миллат, ҳар бир халқ ўз ҳаёт тарзини, келажагини аجدодларининг тарихий тажрибаси асосида қуради, ҳеч бир халқ бегона қолиплар, бегона андозалар асосида эмин-эркин яшаб, тараққий эта олмайди.

Ҳар бир хонадоннинг ўз тартиб-қоидалари бўлганидек, ҳар бир юртнинг ҳаётини ташкил этишнинг ҳам ўз андоза-ўлчовлари, қоидалари бўладики, улар ўша юртнинг табиий-жўғрофий шарт-шароити, тарихий тажрибаси, миллий турмуш тарзи, феъл-атвори билан боғлиқ тарзда шаклланади.

¹ Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони, руҳи маънавийдир. /Халқ сўзи. 2021 йил 20 январь. №13 (7793)

⁴⁵ Мирзиёев Ш.М. Буёқ келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2017. - Б. 331.

⁴⁶ Қаранг: Бекмуродов М. Ўзбек менталитети // Тафаккур. –Тошкент, 2002. №1. – Б. 16.

Бинобарин, шахс маънавий қиёфасининг шаклланиши, миллатимиз менталитети, халқимиз табиатидаги ижобий фазилатлар ихлос, эътиқод ва намуна асосида юзага келиши ҳам сир эмас.

Ҳолбуки, маънавият инсон ахлоқи ва хулқ-одоби, билимлари, истеъдоди, қобилияти, амалий малакалари, виждони, имони, эътиқоди, дунёқараши, мафкуравий қарашларининг узвий боғланган, жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимдир⁴⁷.

Унинг шаклланиши ҳамда такомиллашувида аждодлар меросига ҳурмат, ундан намуна олиш ва ихлос қўйиш, оила, ижтимоий муҳит, ота-она намунаси ва тарбия алоҳида аҳамият касб этади.

Айни пайтда, мазкур масалани ўрганиш нафақат илмий нуқтаи назардан, шу билан бирга, ижтимоий амалиёт, таълим-тарбия жараёнини йўлга қўйиш, кишиларда мулоқот маданияти, шарқона одоб-ахлоқни камол топтиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

⁴⁷ Қаранг: Вафоев О. Аждодлар ибрати // Иқтисод ва ҳисобот. – Тошкент, 1996. – №5-6. – Б. 70.